

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ХАЛҚИЛУВ ҚАРОРИ
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Урганч шаҳри

2024 йил 09 январь

Урганч туманлараро иқтисодий суднинг раиси, судья Н.Аллаберганова раислигида, судья ёрдамчиси [Redacted] атназарованинг котиблигида, Урганч туманлараро иқтисодий суди биносидаги очик суд мажлисида, даъвогар

[Redacted] манфаатида, жавобгар [Redacted] дан 3.647.767.123,28 сўм ундириш ва ундирувни гаров мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни [Redacted] иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[Redacted] (бундан кейинги матнларда палата деб юритилади) [Redacted] (бундан кейинги матнларда даъвогар деб юритилади) манфаатида Урганч туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, [Redacted] (бундан кейинги матнларда жавобгар деб юритилади)дан муддатли кредит асосий қарзидан 3.500.000.000 сўм, муддатли кредитга хисобланган фоиз 13.232.876,71 сўм, муддати ўтган кредит фоизларидан 134.53.246,57 сўм жами 3.647.767.123,28 сўм ундириш ва гаровдаги мол мулкларга қаратишни сўраган.

Палата даъво аризасида ишни улар вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъвони қўллаб-қувватлаб, суд томонидан жавобгар кредит қарздорлигини қоплаш чораларини кўрмаганлигини, фақат банкнинг зарарига кредит фоизи хисобланиб келаётганлигини маълум қилиб, ундирувни гаровдаги мулкларга қаратишни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили даъво аризаси юзасидан ўз тушунтиришларини бериб, кредит қарздорлигини тўлаш учун муддат беришни сўради.

Суд, ишда иштирок этувчи тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, ҳамда ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар тараф зиммасига юклашни лозим деб топади.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамасидан аниқланишича, [Redacted] АЖ билан жавобгар [Redacted] ўртасида 2022 йил 14 июлда 89/2022-сонли кредит шартномаси тузилиб, шартномага асосан Банк Қарз олувчига Автомобилларга сиқилган газ қуйиш шохобчасини кенгайтириш мақсадида



қурилиш материаллари сотиб олиш учун 60 ой муддатга йиллик 23 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 3.500.000.000 сўм миқдорда кредит ажратиш, жавобгар эса кредит шартномасига асосан кредитдан мақсадли фойдаланиб, белгиланган муддатларда кредитга унга ҳисобланган фоизларни қайтариш мажбуриятини олган.

1. Кредитни қайтариш таъминоти сифатида жавобгар

_____ га тегишли Хоразм вилоят, Урганч тумани, _____ дўрман қишлоғи, Жайхун маҳалласида жойлашган умумий ер майдони _____ метр, қурилиш ости майдони 976,65 кв метр, фойдали майдони 455,44 _____ бўлган “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш шаҳобчаси”ни ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга,

2. _____ га “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш” ускуналарини комплекс ҳолда,

3. _____ га тегишли “ЁМКОСТЬ-5ШТ”, “ТОПЛИВОРАЗДАТОЧНЫЕ КОЛОНКИ ДЛЯ АЗС-2 ШТ” кўп тармоқли бензин қуйиш ускуналари ва бензин сақлаш мўлжалланган систерна гаровга қўйилган.

Банк томонидан кредит маблағлари тўлиқ ўтказиб берилиб, кредит шартномасининг шартлари тўлиқ бажарилган.

Бироқ, жавобгар томонидан график бўйича асосий кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида тўланмасдан келган.

Жавобгар томонидан ўзаро тузилган шартнома шартлари жиддий равишда бузилган ва ушбу ҳолат ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Тарафлар ўртасидаги кредит шартноманинг 1.1-бандига асосан қарз олувчи ҳар ойнинг 6-санасидан кечиктирмасдан кредитнинг фоизи ва асосий қисмини қайтариб бориши белгиланган.

ЎЗР ФК 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ЎЗР ФКнинг 738-моддасига кўра эса қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини таъминлаш юзасидан қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 744-моддасининг биринчи қисмига асосан кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу кодекс 736-моддасининг иккинчи қисмига асосан агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий ҳужалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик



қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 13/150-сонли Қарорининг 4-бандида кредит шартномаси суд тартибида тарафлардан бирининг талаби билан бошқа тараф томонидан шартнома шартлари жиддий равишда бузилганда ёки вазият жиддий ўзгарганда, шунингдек қонун ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Судлар назарда тутишлари керакки, юқори фоиз ставкаларини белгилаш, кредитни қайтариш ёки фоиз тўловнинг кечиктирганлик учун жарима қўллаш, кредит валютаси курсининг ўзгариши ёки кредит ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига олиб келадиган вақтнинг жиддий ўзгариши деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Судлар кредит суммаларини муддатидан олдин ундириш тўғрисидаги даъволарни кўришда кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги талабнинг йўқлиги кредит суммаси ва фоизларни муддатидан олдин ундириш ҳақидаги талабларни қаноатлантиришни рад этиш учун асос ҳисобланмаслигини эътиборга олишлари лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 384-моддасига асосан шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса.

Қайд этилганларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, даъвогарнинг кредит шартномасини бекор қилиш талаби ҳам асосли ҳисобланади.

Жавобгар томонидан ўзаро тузилган шартнома шартлари жиддий равишда бузилган ва ушбу ҳолат ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Даъвогар ўзининг даъво талабида ундирувни гаровга қўйилган мулкларга қаратишни сўраган.

ЎЗР ФКнинг 279-моддасида гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Шу сабабли суд даъвогарнинг ушбу талабини қаноатлантиришни ва кредит фоизи ундирувини жавобгар

нинг ўзига тегишли 1. Кредитни қайтариш таъминоти сифатида жавобгар

га тегишли Хоразм вилоят, Урганч тумани, Юқоридўрман қишлоғи, Жайхун маҳалласида жойлашган умумий ер майдони 5.000 кв метр, қурилиш ости майдони 976,65 кв метр, фойдали майдони 455,44 кв.метр бўлган “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш шохобчаси”ни ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга,

2. га “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш” ускуналарини комплекс ҳолда,

3. га тегишли “ЁМКОСТЬ-5ШТ”, “ТОПЛИВОРАЗДАТОЧНЫЕ КОЛОНКИ ДЛЯ АЗС-2 ШТ” кўп тармоқли бензин қуйиш ускуналари ва бензин сақлаш мўлжалланган систерна гаровга қаратишни лозим деб топади.



Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 68-моддасига асосан ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Ушбу кодекснинг 118-моддасига мувофиқ суд, ишни судда кўриш билан боғлиқ суд харажатлари жавобгар тараф зиммасига юклашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан суд, даъво талабини тулик қаноатлантириб, давлат божини жавобгар тараф зиммасига юклашни лозим топади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 236, 259, 264, 265, 279, 736, 744- модда ва ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 128, 170, 176-180, 186-188-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъвогарнинг даъвоси тулик қаноатлантирилсин.

Жавобгар

дан акциядорлик жамияти фойдасига муддатли кредит асосий қарздан 3.500.000.000 сўм, муддатли кредитга ҳисобланган фоиз 13.232.876,71 сўм, муддати ўтган кредит фоизларидан 134.53.246,57 сўм жами 3.647.767.123,28 сўм ундириш ва 33.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ундирув жавобгарга кредитни қайтариш таъминоти сифатида жавобгар га тегишли Хоразм вилоят, Урганч тумани, Юқоридўрман қишлоғи, Жайхун маҳалласида жойлашган умумий ер майдони 5.000 кв метр, қурилиш ости майдони 976,65 кв метр, фойдали майдони 455,44 кв.метр бўлган “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш шохобчаси”ни ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга,

га “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш” ускуналарини комплекс ҳолда га тегишли “ЁМКОСТЬ-5ШТ”, “ТОПЛИВОРАЗДАТОЧНЫЕ КОЛОНКИ ДЛЯ АЗС-2 ШТ” кўп тармоқли бензин қуйиш ускуналари ва бензин сақлаш мўлжалланган систерна гаровга қўйилган.

Жавобгар

дан Республика бюджетига 72.955.342,46 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қарорига нисбатан 1 (бир) ой муддат ичида шу суд орқали Хоразм вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикоятлари берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

Н.Аллаберганова

